



ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 143 (12.704)

Баҳоси эркин нарҳда

23
O'ZBEKISTON

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасига давлат таширфим давомиди Сиз ва ўзбек халқи томонидан менга кўрсатилган иззат-икром учун Сизга самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Олий даражада бўлиб ўтган учрашувда давлатларимиз нафақат энергетика соҳаси, балки «электрон ҳукумат», ахборот технологиялари, тўқимачилик ва муҳофаа саноати, қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳит, инфратузилма ва бошқа кўплаб соҳаларда турли ҳамкорлик лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш тўғрисидаги келишувга эришдик. Сиз билан келишиб олган муҳим лойиҳаларни бекаму кўст, тўла амалга ошириш учун яқиндан ҳамкорлик қилишимизга ишонаман.

Бўлиб ўтган учрашувлар натижасида мамлакатларимиз ўзаро манфатли ҳамкорлик асосида биргаликда раванқ топишга интилаётган стратегик шериклар эканига амин бўлдим. Президент Жаноби Олийлари, Сизнинг халқро ва минтақавий масалалар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларингиз, шунингдек, Ўзбекистондаги корейс диаспорасига қаратаётган эътиборингиз мени хайратга солди ва чуқур таассурот қолдирди.

Жаноби Олийлари, мен яна шуни алоҳида миннатдорлик билан таъкидламоқчиманки, Тошкент шаҳри аэропортида мени шахсан кутиб олдингиз, Самарқанд шаҳрига мен билан бирга бордингиз. Бу билан самимий меҳмондўстлигингизни намоён этдингиз. «Афросиёб» музейидаги деворий расмларда акс эттирилган Когурё даври элчиларининг тасвири Буюк Ипак йўлининг қадимий таърибаси бизнинг кунларимизда ягона Евроосиёда яна мужассамлаша олишига ишончимни мустаҳкамлади.

Президент Жаноби Олийлари, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстона муносабатлардан манфатдор эканлигингиз ва уни астойдил қўллаб-қувватлаётганингиз учун Сизга миннатдорлик билдиришимга ижозат бергайсиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон Республикасига эса юксак раванқ ва тараққиёт тилайман.

Пак Кин ХЭ,
Корея Республикаси
Президенти

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



...Ютуқларнинг асосий омили ва мезонини биринчи навбатда халқимизнинг дунёқараши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганида кўриш, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳар томонлама асослаб бериш ва бир-бири билан ўзвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур.

Ислом КАРИМОВ



Миллий давлатларнинг пайдо бўлиши XX асрнинг энг буюк ҳодисаси эди. Биз ана шу улкан жараёнга асрнинг сўнги ўн йиллиги бошида дохил бўлдик. 1991 йил 31 августда Буюк Мустақиллигимиз эълон қилинди. Ўтган 23 йил мобайнида дунё харитасидан Ўзбекистон Республикаси деган янги мустақил давлат муносиб ўрин эгаллади.

Даврлар ўтгани сари мустақиллигимиз тарихини ўрганиш, бу улуг нозматга қандай эришганимиз моҳиятига етиш, истиқлолимиз қадрини чуқур англашнинг аҳамияти тобора ортиб бораверади.

Аввало, тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтдик. Ўз-ўзидан: «Ким эдиг-у, ким бўлдик?» — деган ҳаётий саволга жавоб излаймиз.

Жавоб эса — аниқ: истибод даврини бугунги эркин ва фаровон замонамизга қиёслаш асосида яққол кўринади.

Шуни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз керакки, биз тарихан буюк тараққиёт босқичларини босиб ўтган халқимиз. Дастлаб IX — XII асрларда, мўғул босқинидан сўнг буй кўрсатган XIV — XV асрлар тамаддуни (цивилизацияси) даражасини кўз олдимизга келтирайлик. Бу даврларда халқимиз тараққиётда дунёнинг олди ўринларидан бирини эгаллаб турганлиги — тарихдан маълум.

Аммо XVI асрдан эътиборан таназзул юз бера бошлади. Бу борган сари чуқурлашди. Охири юртимиз чор босқинчилари томонидан эгалланишига олиб келди. Қарийб бир ярим асрга чўзилган истибод даврида Ўзбекистонимиз қандай оғир аҳволга тушиб қолгани, халқнинг руҳи тоғталгани, қадди бўкилишига зўр берилганини тасаввурга келтириш қийин эмас.

Биринчидан, халқ сиёсий жиҳатдан тамоман бўғиб ташланди. У ҳамма масалада ўша марказдан сўраш, унинг қошу қовоғига қараб иш кўришга мажбур этилди.

Иккинчидан, иқтисодий жиҳатдан республикамиз бир ёклама ривожланган, асосан, пахта хомашёси етказиб беришга мослаштирилган, пахта яккахўчилиги ҳалокатли тус олган бир ўлкага айланиб қолган эди. Ўзбекистонимизда ўша йиллари етиштирилган хомашёнинг атиги 8 — 10 фоизгина ўзимизда қайта ишланган, қолган қисми олиб кетилган ва асосий фойда тайёр хомашёни қайта ишлаган бегона ҳудудларга келиб тушган.

Вазиятни тўла-тўқис кўз олдимизга келтириш учун Президент Ислом Каримов томонидан 1990 йил 4 июнида қайд этиб ўтилган мана бу маълумотларга диққат қилайлик:

«...Республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича иттифодаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бирида турибди. ...Хар киши бошига ялли ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турибди, аҳоли жон бошга миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса — иттифодаги ўртача даражадан икки хисса паст.

Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унум-

дорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада қолмоқда. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўртача иттифок даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Биз даромад даражаси, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан иттифокдош республикалар орасида энг охириги ўринлардан бирида турибмиз.

Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман, мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялли даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга боради. Бир миллионга яқин киши

Истиқлол, Ислоҳот, Истиқбол

КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмапти».

Учинчидан, халқнинг миллий маънавиятига болта урилди. Республикада аҳолининг тўртдан уч қисмини ўзбеклар ташкил этиши, қардош миллатлар вакилларидан иборат яна 15 фоиз аҳоли ўзбек тилини яхши билишига қарамай, ўзбек тили Ўзбекистонда давлат тили эмас эди. Ҳатто, ўзбек тили ва адабиёти ҳақидаги диссертациялар ҳам рус тилида ёзилиб, ёқланар эди. Шўро даврида миллат аввал арабий, кейин лотин, ундан сўнг эса кирилл ёзуви асосидаги алифбодларда савод чиқаришга мажбур қилинди. Мақсад — халқни ўз ўзларидан маҳрум этиш, меросидан айириб қўйиш, шу тариқа унга тарихини унуттириш эди. Муқаддас динимизга раҳна солинди, у билан боғлиқ барча қадриятларимиз, зийратгоҳ ва қадимжоларимиз тоғталди.

Холбуки, ҳар бир халқ ўз тарихий илдиэларига суянган ҳолда раванқ топади.

Нихоят Буюк Мустақилликка эришдик. Ўз Конституциямиз, Байроғимиз, Гербимиз ва Мадҳиямизга эга бўлдик. Истиқлол шарофати билан республикамиз икти-

содиёти 4,1 баробар ўсди. Бу эса, аввало, аҳолининг ялли реал даромадларининг кўпайишига олиб келди. Бу кўрсаткич жон бошига 8,2 карра ошди. Сўнгги 9 йил мобайнида мамлакатимизда ялли ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмагандан келмоқда.

Ялли ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 2000 йилда 14,2 фоизга тенг бўлган бўлса, ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич 24,2 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Автомобилсозлик, моторсозлик ва уларга бўтловчи қисмлар тайёрлайдиган соҳаларга, нефть ва газни қайта ишлайдиган, фармацевтика маҳсулотлари, замонавий телевизор ва компьютерлар ишлаб чиқарадиган янги-янги саноат тармоқларига асос солинди.

Бугунги кунда ҳар учта оиланинг биттаси — енгил автомобилга эга, ҳар 100 та оилага ўртача 80 та холо-дильник, 146 та телевизор тўғри келяпти.

Кўни кеча мамлакатимизда галлакорлари катта зафар кўчиб, 8 миллион 50 минг тонналик улкан хирмон ўйди. Биз истиқлол туғайлигига галла мустақиллигига эришдик. Холбуки, 1991 йили етиштирган галламыз бор йўғи 940 минг тонна бўлган эди.

Бундай ютуқларнинг адоғи йўқ. Хўш, уларга нима-лар эвазига эришдик?

Аввало, оқилона олиб борилган сиёсат туғайли Ўзбекистонимиз саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланди.

2011 йили Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида юксак технологияли, юқори тезликда ҳаракатланувчи «Афросиёб» электро-вэди қатновни йўлга қўйилди. Дастлаб фақат чоршанба ва шанба кунлари қатнаган мазкур поезд кейинча ба ҳар кун икки бор катнаётган бўлди. 215 йўловчини ташиш имко-нига эга бу поезд 2 соатда манзилга етади.

Кейинги йилларда Юртбошимиз ташаббуси билан мамла-катимизда долзарб ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ма-взуларда халқро конференциялар ўтказиш яхши анъанасига ай-ланди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ишлаб чиққан демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаро-лик жамиятини ривожлантириш концепциясини ўрганиш, шу-нингдек, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини де-мократлаштириш бўйича чуқур ва изчил ислохотлар амалга ошириляпти. 2011 йилнинг 22 — 23 апрель кунлари Тош-кентда бу борада Ўзбекистон таърибасини ҳамда мам-лакатимизни ривожлантиришнинг янги босқичига оид ва-зифаларни амалга ошириш юксак самарадорлигини ўрга-нишга бағишланган халқро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда 46 мамлакат ҳамда кўплаб нуфузли халқро ташкилотларнинг 200 дан ортиқ вакили ишти-рок этди.

(Давоми 2-бетда)

XXI саҳоси
Барча
маънавлардан
олинган сўнғи
жабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида голиб бўлган 17 нафар ижодкор ўз маҳо-

ратини намоиш этди.

• Самарқандда вилоят ҳокимлиги ҳузу-ридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда таълим муассасалари-даги маънавий муҳит, ўқувчиларнинг да-вомати ва дарсдан кейинги вақтини қан-дай ўтказаяётгани, маҳалла ва ота-оналар билан ҳамкорлик ҳақида ҳам фикр-муло-ҳазалар билдирилиб, зарур чора-тадбир-лар белгилаб олинди.

• Андижонда ҳудудларда ижтимоий ше-рикликни ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга мовик лойиҳаларни тайёрлаш, грант маблағларининг мақсадли ишлати-лишини таъминлашнинг долзарб масала-

ларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда нодавлат нотижорат ташкилот-ларининг давлат органлари билан ижти-моий шерикликда амалга ошираётган иш-лари қўламини янада кенгайтириш, дав-лат грантларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш борасидаги ишлар хусусида таклиф, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЖАҲОНДА

• Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) жаҳон «Қора олтин» бозо-ридаги мавқеини бой бермоқда. Бу ҳақда мазкур муассаса томонидан кўрсаткичлар таҳлили бўйича тузилган йиллик ҳисоботда

келтириб ўтилди. 2013 йилда углеводород хомашёсини казиб олиш ҳажми дунё бўйи-ча атиги 0,1 фоиз ошган. «Қора олтин»га бўлган талаб 1,2 фоиз кўпайган. Бундай паст кўрсаткичлар туғайли ОПЕК томонидан иш-лаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми 2012 йилдагига нисбатан 2,5 фоиз тушиб кетган.

• Филиппиндан кейин Хитой ҳудудига кириб келган «Гленда» тўфони оқибатида 17 киши ҳаётдан кўз юмган. Умумий ҳисобда табиий офатдан жами 1,3 мил-лион киши жабр кўрган. Тўфондан Гуан-си-Чжуан автоном райони, Хайнань ва Гу-андун музофотларида жиддий талафотлар кузатилган. Масалан, Хайнанда 51 мингта турар жой биноси вайрон бўлган.



Қўли гул ёшлар томонидан ўзига хос ижод намуналари яратилмоқда

Спорт янгиликлари

ҚИШКИ ОЛИМПИАДА-2022
ҚАЕРДА ЎТАДИ?

Халқаро Олимпиада қўмитаси Осло, Олмаота ва Пекинни қишқи Олимпиада-2022 ўйинларини ўтказишга даъвогарлар сифатида тасдиқлади. Норвегия, Қозоғистон ва Хитойдаги мазкур шаҳарлар «Оқ олимпиада»ни ўтказишлари мумкинлигини ХОҚ беллилаган.

2022 йилги ушбу спорт байрами ни ўтказиш учун талабномалар бериш муддати 2013 йил декабрида тугаганди. Ушанда олти номзод рўйхатга олинганди. Шундан бери турли сабабларга кўра Краков (Польша), Стокгольм (Швеция) ва Львов (Украина) даъвогарлик курашидан воз кечдилар.

Келгуси йил бошида Осло, Олма-

ота ва Пекин шаҳарларига ХОҚнинг баҳолаш комиссияси ташриф буюради. Унга Россия Олимпиада қўмитасининг раиси Александр Жуков етакчилик қилади.

Қишқи «Олимпиада-2022»нинг пойтахти ХОҚнинг 2015 йил 31 июлда Куала-Лумпур (Малайзия)да ўтадиган навбатдаги сессиясида эълон қилинади.

Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида кўплаб спорт турлари қатори шахмат ҳам юртимиз ёшлари ўртасида тобора оммалашмоқда.

ИҚТИДОРЛИ
ШАХМАТЧИЛАР
МАСКАНИ

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 15-олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабига 500 нафарга яқин ўғил-қиз доимий аъзо. Бу ерда ёшларнинг шахмат билан мунтазам шуғулланиши, иқтидорини намоён этиши учун барча шароит яратилган.

Равшан Шукуров, Элбек Аликулов, Суннат Баязов, Нодира Нодиржонова, Севара Боймуродова каби тажрибали мураббийлар ёш шахматчиларга «ақл гимнастикаси» сирларини пухта ўргатиб келмоқда.

— Спорт мактабимиз етук шахматчиларни тарбиялаган даргоҳ саналади, — дейди катта мураббий Равшан Шукуров. — 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳам шахматга илк қадамини ана шу мактабдан бошлаган.

Мазкур спорт мактаби жаҳон ва қитъа миқёсидаги мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритаётган, дунёнинг кучли спортчилари билан баҳслаша оладиган ёш ис-

теъодларни кашф этишда давом этмоқда. 2012 йилда Словениянинг Марибор шаҳрида 126 мамлакатдан қарийб 2600 нафар спортчи иштирок этган жаҳон чемпионатининг саккиз ёшгача бўлган ўғил болалар баҳсида ғолиб чиққан Нодирбек Абдусатторов, 2013 йили Бирлашган Араб Амирликларидаги жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори Баҳора Абдусатторова, ўша йили Шри-Ланкада ўқувчилар ўртасидаги Осиё чемпионатида ғолиб бўлган Ортиқ Нигматов, Шамсиддин Воҳидов, Дилбар Хамроева шу мактаб тарбияланувчиларидир.

— Мамлакатимизда ёшларнинг ўз қизиқиши ва интилишини юзага чиқариши учун барча шароит яратилган, — дейди Осиё чемпиони Шамсиддин Воҳидовнинг отаси Пўлат Тоғашев. — Бунинг самарасида юртимизда вояга етаётган соғлом авлод ўз истеъдоди ва маҳорати билан жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ
ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАГИ
ҒАЛАБАЛАРИ

Жанубий Корейда таэквондо (WTF) бўйича ўтказилган мамлакат очик чемпионатида Ўзбекистон таэквондочилари муваффақиятли иштирок этишди.

Дунёнинг етмишдан зиёд давлатидан 2000 нафардан ортиқ спортчи қатнашган мусобақанинг кўруги йўналиши бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган баҳсларда спортчиларимиздан Ниёз Пўлатов, Саидолим Нўмонов, Шаҳбоз Шофайзиев ўз вази тоифасида барча рақибларини енгиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Давлатжон Давронов ва Нигора Турсунқулова бронза медал билан тақдирланди.

— Нуфузли мусобақадаги ғалабамиз юр-

тимизда ёшларнинг жисмонан ва маънан соғлом инсонлар бўлиб камол топиши, иқтидор ва истеъдодини намоён этиши учун яратилаётган кенг имкониятлар самарасидир, — дейди Саидолим Нўмонов. — Ниятим 2016 йилда Бразилияда ўтадиган ёш Олимпия ўйинларида муносиб иштирок этиб, мамлакатимизнинг халқаро миқёсидаги обрўсини янада оширишга ҳисса қўишдир. Кадетлар ўртасидаги мусобақада Мадина Рўзиева иккинчи,

Ирода Миртожиева, Абдурахмон Зокиржонов ва Олег Тай учинчи ўринни эгалладилар. Катталар ўртасида Никита Рафалович кумуш, Баҳодир Аловхон, Зафарбек Сатторов ва Машрабжон Бозорбоев бронза медалга сазовор бўлди.

(ЎЗА)

Ёз — 2014

ҲАМ ҲОРДИҚ, ҲАМ
СИФАТЛИ ТАЪЛИМ

Мамлакатимизда ёзги таътил мавсумида навқирон авлоднинг мазмунли дам олиши билан бирга ўғил-қизларимиз замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур ўрганиши, чет тилларини пухта ўзлаштириши учун зарур шарт-шароит яратиш масаласига устувор аҳамият берилмоқда.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган «West Camp» оромгоҳида болаларнинг ҳам ҳордиқ чикариши, ҳам инглиз тилига доир билимларини ошириши учун қулай шароит яратилган.

Сўлим ғўшада 150 нафар ўғил-қиз ёзги таътилни мароқли ўтказмоқда. Бу ердаги машғулотларга олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари, мутахассислар жалб қилинган. Болалар қизиқарли савол-жавоб, ўйин тарзидаги машғулотларда инглиз тили оламига олиб кирилмоқда. Семинар-тренингларда ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишга, мулоқот кўникмасини шакллантиришга эътибор қаратилади.

— Оромгоҳда юртимизнинг турли ҳудудларидан келган тенгдошларим билан яқиндан танишиб, ўқув йили давомида олган билимимизни мустаҳкамламоқдамиз, — дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улғбек туманидаги 225-умумтаълим мактаби ўқувчиси Гузал Абдуллаева. — Энг қувонарлиси, оромгоҳда инглиз тили бўйича саводхонлигим ошди. Бу ўз устимда тинимсиз ишлаётганим, инглиз тилидаги «Муголаа», «Тақдимот» каби тўғаракларда мунтазам иштирок этаётганим туфайлидир.

Ушбу масканда болаларнинг маънавиятини бойитиш, истеъдодини юзага чиқариш, ўз устиди ишлаш кўникмасини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Расм чизиш, «моҳир кўллар» тўғаракларида ўқувчилар ижодий-интеллектуал салоҳиятини оширади, сузиш, футбол, волейбол, стол тенниси каби тўғараклар болаларнинг жисмонан чиниқилишига ҳисса қўшаётди.

— Оромгоҳимиз мусаффо ҳавоси, соя-салқин ғўшалари, муздек бўлоқ суви билан болаларга бир олам завқ бағишламоқда, — дейди дам олиш маскани директорининг ўринбосари Ойбек Собиров. — Инглиз тилини ўргатишга ихтисослаштирилган ўнга яқин тўғаракда ўқувчилар катта иштиёк билан машғулотларда қатнашаётди. Олиб бораётган бундай ишларимиз ёш авлоднинг жисмонан соғлом, юксак маънавиятли, етук билим соҳиблари бўлиб улғайишига қаратилгандир.

Фарида ИБОВА,
(ЎЗА)

ҚУВНОҚ ЁЗ
ҚУВОНЧЛАРИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши томонидан «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида Тошкент вилоятида жойлашган «Автомобилчи» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Қувноқ ёз қувончлари» деб номланган тадбир ташкил этилди.

Тадбир ёзги таътил давомида оромгоҳларда дам олаётган ёшларни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда спорт ва маънавий-маърифий тадбирларга ёшларни жалб қилиш мақсадида ўтказилди.

— «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Камолот» ЕИХ Юнусобод туман Кенгаши, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ва қатор ҳамкор ташкилотлар билан ўтказилган тадбирда Ҳаракатнинг туман Кенгаши ходимлари ва фаол ёшлар томонидан оромгоҳдаги дам олаётган болаларни йўл ҳаракати қоидалари ва спортга жалб қилган ҳолда турли спорт мусобақалари ўтказилди, — дейди «Камолот» ЕИХ Юнусобод туман «Камалак» болалар ташкилоти раиси Баҳодир Хусанов. — Маънавият тарғибот маркази туман бўлими томонидан оромгоҳда маънавий-маърифий давра суҳбатлари ташкил этилди. Маданият ва спорт ишлари туман бўлими томонидан намойиш этилган концерт дастури эса болажонларга манзур бўлди.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи вакиллари томонидан ёшларга давлатимиз тарихига оид бўлган маълумотлар берилди.

Ўтказилган тадбирлар оромгоҳда дам олаётган ёшларнинг кайфиятини янада кўтаришга, билимларини янада бойитишга хизмат қилди.

Зиёда РАСУЛОВА



тезликда эсади. Ҳарорат кечаси — 21-23, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати

Тошкент шаҳрида 23 июль кунини ҳаво бир оз ўзгариб тургани, ёгингарчилик бўлмайдигани, Шарқдан Рағба томон йўналишига ўзгаришлар шимоли селкида 5-10 метр тезликда, қучкаган ҳолатда 12-17 метр

маълумотида кўра 23 июль эрталаб Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолганига имконият яратилди. Ифлосланиш таъқидори наст бўлади.

Тошкент ОҚШОМИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эъпонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзили:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 756

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
6568 нускада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроил

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга топирилди: 15.10

1 2 3 4 5